

# ТОНГ ЮЛДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва усмирларининг газетаси

Газета 1929 йил, 1 августдан чиқа бошлаган

№ 51 (6793)  
1997 йил, 5 июль, шанба

Сотувда эркин  
нархда

## Кабутарлар чарх урсин фақат...

Республика болалар жамғармасида бўлганимизда Навоий вилоятида олиб борилаётган ишларнинг намунали тарзда эканлиги, болажонларнинг ниҳоятда хурсандлигини эшитиб, вилоят болалар жамғармаси раиси Нозик Кўзиева билан юракдан суҳбатлашгимиз келди.

— Нозик опа болалигингизга тез-тез қайтсангиз керак...

— Менинг болалигим қишлоқда, далаларда утган. Кенгликларни севар эдим, шунинг учун опамга эргашиб нуқул далага борардим.

— Юртбошимизни «савоб ишни ҳар ким қилиши керак, ҳар куни қилиши керак» — деган сўзларига қандай қарайсиз?

— 3 йил бурун Амридин деган 9 ёшли тугма ногирон болага аравача элтиб бердик. У аравачага утириб, ташқарига чиқди. Йулакларда юрди. Ушанда унинг қўзларидаги севинчли куриб, эзгуликнинг юрак уришини тинглаганман, уз ишимдан ушанда биринчи марта мамнун бўлганман. Кейинроқ бундай ҳодисалар кўпайди. Менинг эса ишимга бўлган меҳрим ошди.

— Навоий вилояти болалар жамғармаси қачон ташкил топган?

— Жамғарма 1992 йилда ташкил топган бўлиб, тасарруфида 5 та мактаб интернат, 2 та оилавий болалар уйи, 2 та махсус интернат мавжуд. Вилоятдаги 6 мингга яқин етим болаларга жамғарма моддий ва маънавий жиҳатдан алоҳида хизмат қилиб келмоқда...

— Сизнингча, дунёда энг оғир нарса нима?

— Биласизми, ота-онасини кутиб яшаётган гудак кузидаги илинждан оғирроқ нарса булмаса керак.

тувчи бўлиб ишлаганман. Ушанда ўқувчиларимнинг энг яқин дустига айланиб қолган эдим. Уларнинг кўнглига ҳеч қачон оғир ботадиган сўзлар айтмаганман. Энг муҳими



— Нимадан қўрқасиз?

— Болаларни тушунмайдиган инсонлар қазабидан.

— Нозик опа, болалар билан гаплашаётганингизни кузатиб туриб, болаларнинг юрагига дарров йўл топишингизни сездим. Бу нимадан?

— Мен ун икки йил ўқи-

уларни тушунганман. Шунинг учун булса керак, ҳалигача собиқ ўқувчиларим билан борди-келди қилиб тураимиз. Болаларнинг юраги бегубор, уларга фақат бегубор тилаклар билан кириш мумкин деб уйлайман.

— Сизни яхшигина ёзувчи

### Болаларга қайғурмоқ — келажакка қайғурмоқ

эканлигингиздан хабаримиз бор. Яқинда чоп этилган «Баланд қирлар ортида» ҳикоялар — тўпламингизни ўқиб чиқдим. Жуда маъқул. Асарингизда ҳам болалар дунёсининг нозик тебришларини шу қадар ёруғ ва бегубор бергансизки, одам ўзини беихтиёр уларнинг ҳаяжонига яшаётгандек ҳис қилади. — Айтингчи, ижод қилишингизда айни пайтда олиб бораётган ишларингизнинг масъулияти ҳалақит бермайдими?

— Аксинча, мен ишимга жуда кўнгли қуйганман. Шунинг баробарида ижод қилишим учун бу иш янги-янги фикрлар, мавзуларга туртки бўлади. Навбатдаги китобим

да сўзлаб беради. Келажакдаги режаларингиз ҳақида гапириб ўтсангиз?

— Режалар кўп. Мен ҳар гал Тошкентда бўлганимда, болаларнинг дам олиш боғларини кузатиб чиқаман. Яқинда вилоятда ҳам «болалар боғи» ташкил қилиб, унга болаларнинг кўнглидагидек турли — туман уйин анжомларини келтириб бермоқчимиз. Менинг бу ишимни вилоят раҳбарлари қўллаб — қувватласа жуда соз буларди.

Болалик ҳақиқатдан ҳам баҳорга қийслагудек бир фасл. Ҳар бир кишининг ҳам маъсум, бегубор дамлари бўлган. Биласизми, мен ҳар бир боланинг кўнгли бутун бўлишини қачонлардир ортда қолгуси болалигини қўзлари ёниб эслашини истайман. Бу ҳақда бир шеърим бор эди:

*Кўнглидек кенг  
осмонларингда,  
Кабутарлар чарх урсин  
фақат.*

*Болам, маъсум  
қароқларингда,  
Қулаётир Ватан-  
муҳабат...*

— Самимий суҳбатингиз учун ташаккур.

— Синглим агар мумкин булса, шошилмай турсангиз. Мен юрагимда тутиб юрган баъзи сўзларимни айтиб олсам.

— Марҳамат.

— Биласизми, мен «Тонг юлдузи» газетасининг ҳар бир сонини кузатиб бораман. Турғироти, газета анча очилиб, ўқимишли бўлиб борапти. Бундан хурсандимиз. Яна бир нарса газетангизни бу йилги обунасига болалар уйидаги аълочи ўқувчиларини жамғармамиз ҳисобидан обуна қилиб бермоқчимиз.

— Раҳмат.

ЮЛДУЗХОН.

### ЮРТИМИЗ КЕЛАЖАГИНИ ЎЙЛАБ

Утган ҳафтада республикамиз ҳаётида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг қарори матбуотда эълон қилинди. «Хуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг хуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, хуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини урганиш ишини яхшилаш ҳақида»ги Фармонни ҳуқуқатимиз раҳбарининг яқинда хуқуқшунос олимлар, мутахассис ва раҳбар кадрлар билан бўлган

суҳбати, учрашувида билдирилган фикр-мулоҳазалар, таклиф-истакларнинг амалдаги ифодаси дейиш мумкин.

Янги аср бўсағасида уз ички имкониятларини, улкан салоҳиятини эркин ва демократик жамият қуриш йулида қатъий сафарбар қилишга киришган ва учинчи минг йилликка оламшумул режалар билан қадам қўяётган юртимизда замонавий билимлар ва кўникмаларга эга бўлган юқори малакали мутахассислар тайёрлашга жиддий эътибор берилмоқда. Келажакимизга дахлдор бўлган бу умуммиллий, умумдавлат вазифасига тааллуқли ҳар бир тадбирга ута талабчанлик, ута масъулият



билан ендошилмоқда. Бу мезонни «1997/98 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий ўқув юртларига қабул турисида»ги ҳуқуқатимиз қарори билан танишиб яна бир марта ҳис қилиш мумкин.

#### ЯНГИ НАШР

Ўзбекистон XXI аср бўсағасида унутилмас тарихий воқеа-

ларни бошидан кечирмоқда. Халқимиз уз мустақиллигига эришди. Юртимизда барча соҳалар буйича ислохотлар амалга оширилмоқда. Янги фикрлаш, янги қарашлар янги ҳаёт, хуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини яратишга асос бўлмоқда. Бу эса турли муаммоларни ҳал этиш заруриятини келтириб чиқаради. Ана шу ҳаёт талабидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси «Жамият ва бошқарув» номли янги журнални таъсис этди.

### «АМЕРИКЕРЗ» ХАЙРИЯСИ

АҚШнинг «Америкерз» хайрия жамғармаси бухоролик болаларнинг саломатлигини мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшапти. Яқинда мазкур жамғарма вакиллари Бухорога тўрт тоннадан зиёд тиббиёт анжомлари, дори-дармонлар ва кичкинтойлар озиқ-овқатларини олиб келдилар. Айни пайтда бу мурувват ёрдами «Соғлом авлод учун» халқаро жамғармаси вилоят булими орқали болалар шифохоналарига улаштиляпти.

### Устозга қутлов

Мактабга ташқаридан бегона киши келганида уни диққат билан кузатганмисиз? Агар эътибор қилган булсангиз бу одам узини гаройиб оламга тушиб қолгандек ҳис этаётганини сезасиз. Аслида эса унинг учун ён — атрофдаги барча нарса — парта, доска, бур, дераза тоқчасидаги гуллар қандайдир таниш куринади. Бу яқинлик унга ҳаётининг энг бегубор, беташвиш дамларини эслатади, бундан шуурига илиқлик югуради. Умрининг азиз лаҳзалари утиб кетганидан, покиза туйгу-

ларга йугрилган дамлар билан умрбод қололмаганидан афсусланади.

Бундай мунис лаҳзаларга умрбод ошно булиш ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Зеро, унга муяссар булиш ул-

болаликни севиши, болаликка содиқ булиши зарурдай. Бегубор болалик билан мудом бирга яшаш эса доимо покизаликка интилиш билангина кечади.

Уқитувчилар учун газета чиқариш — масъулиятли иш.

чилар ва мактаб уқувчиларининг сеvimли наشري булган «Маърифат» газетаси бош муҳаррирининг уринбосари Маҳкам ака Раҳмонов, учун шунинг узи катта бахт.

Яқинда булиб утган Ўзбекистон Республикаси Олий



## МУНИС ЛАҲЗАЛАРГА ОШНО

кан бахт. Ана шундай саодатманд инсонлардан бири Маҳкам ака Раҳмоновдир. Умрининг қаймоғини таълим журналистикасига бағишлаб яшаш учун инсонда чуқур билим, юксак касб маҳорати булишининг узи етмайди. Бунинг учун одам аввало болаларни,

Чунки муаллим аввало ҳаёт устози. Устозга бир нарса дейиш қийин. Аммо ҳозирда юртимизда бирон-бир уқитувчи, тарбиячи йўқки, Маҳкам акани танимаса, унинг қалбдан битилган сузларини уқимаган, бундан ҳаяжонга тулмаган булса. Бугунги кунда 60 ёшга тулган, барча маориф-

Мажлисининг саккизинчи сессиясида ҳукуватимиз томонидан журналистлар фаолияти ҳақидаги қонуннинг қабул қилиниши қўпчилик қатори маорифчи журналистлар ҳаётида ҳам катта воқеа булди. Чунки таълим соҳасида туб ислохотлар олиб борилаётган бугунги кунда қаламкашлар-

дан ишга янгича онг, янгича куч билан ёндошиш талаб этилади. Бу ишда халқ таълими фидойиси, болаликка содиқ инсон Маҳкам ака Раҳмоновга барча эзгу тилаклар ёр булишини тилаб қоламиз.

«ТОНГ ЮЛДУЗИ».



## ҚАЛДИРҒОЧНИНГ БАЛАНД ОСМОНИ

Болалар, албатта ҳаммангиз ЦИРК уйинларини жуда яхши кўрасиз. Айниқса, қалтис дор уйинларини моҳир дорбознинг ингичка арқон устидаги чакқон ҳаракатларини кўрганингизда дорбознинг ҳаяжони сизга ҳам кўчади.

Ҳар бир мувафақиятнинг гарови тинимсиз изланиш ва ўз устида ишлашга бориб тақалишини янгийуллик тенгдошларингиз жуда яхши англаб етиб, яқинда Қўқон шаҳрида булиб утган анъанавий ЦИРК санъати Республика кўрик-фестивалида голиблик-

ни қўлга киритишди. Балки улар бунга осонликча эришгандирлар, деб уйласангиз хато қиласиз, чунки бу мувафақият тенгдошларингизга осонликча насиб этгани йўқ.

Не, мен ҳали уларни сизга таништирмаманку. Янгийул туман маданият бўлимига қарашли «Қалдирғоч» болалар Халқ ЦИРК жамоаси аъзолари асосан мактаб уқувчиларидан иборат. Уларни бу санъатнинг нозик сирлари билан жонқуяр устозлари Дарвешбек Раҳмонов яқиндан таништирмоқда.

Айниқса, бу гуруҳ аъзоларидан 9-синф уқувчиси Алишер Ашуров (эркин нарвон акробати) 4-синф уқувчиси Оля Тошкентбоева (чигиртка кўринишида)ларнинг чиқишлари муҳлислар опқишига сазовор бўлмоқда.

Кунини кеча бу жамоа аъзолари Дисней боғида болалар кунига бағишлаб байрам совғаси сифатида текин томоша кўрсатишди. Устозлари Дарвеш аканинг қувониб айтишларича, гуруҳнинг тиришқоқ аъзоларидан Алишер Ашуров, Илҳом Тухтабоевлар бу йил ЦИРК Санъати студиясига ўқишга кириб, бу соҳада ўз фаолиятларини давом эттирмоқчи

### Цирк, цирк, цирк

эканлар. «Қалдирғоч»нинг осмони баланд, насиб бўлса парвози ҳам баланд бўлади», — дейди тиришқоқ устоз Дарвеш ака.

Биз ҳам бу болалар орасидан ўзбек цирки



довруғини бутун дунёга танитган, жаҳон саҳнасига олиб чиққан Тошкентбоевлардек инсонлар чиқишига ишониб, уларга ОҚ ЙУП деймиз.

Гўзал ОТАЖОНОВА.



Биз ҳарфларни ўрганиб олиб, Шейр ўқидик Хурликка атаб.

Хайр, деймиз азиз боғчага, Бизни интиқ кутаркан мактаб...

*Болажонлар! Мана Сиз орзиқиб кутган таътилнинг ҳам анча кунлари ўтди. Албатта, бу давр мобайлида ҳаммангиз таътилни қандай ўтказишни белгилаб олгандирсиз. Кимлардир аллақачон мазза қилиб оромгоҳларда дам олаётган бўлса, кимлардир уй юмушларини бажариб, ота-оналарига ёрдам бермоқдалар... Келинг сариосиёлик тенгдошларингиз таътилни қандай ўтказайтганликлари билан танишайлик.*

Сариосиё атрофи тоғлар билан уралган сулим масканлардан бири. Бу ерларга келсангиз, албатта табиатнинг кучоғида бир яйраб дам олгингиз келади. Биз ҳам тумандаги 26-мактабнинг бир гуруҳ укучилари билан тоққа — бир кунлик саёхатга йул олдик. Манзил олис булганлиги учун тонг ёришар-ёришмас йулга тушдик. Мусаффо тоғ ҳавосию, чуғур-чуғури оламни тутган сайроқи кушларнинг тонгги навосила қачон қишлоқ тугаб, тоғ этакларига бориб қолганлигимизни сезмабмиз ҳам.

Виқор билан қад ростлаб турган баланд тоғлар узра бургут чарх уриб учар, қарсангиз бошингиз айланиб кетгудек пастликдаги сойда булса мавжланиб оқайтган зилол суву, ўтлаб юрган қуй-қузилар кўзга ташланарди. Тик ёнликдан эҳтиёткорлик билан сойга ту-

шиб борарканмиз, қаршимиздаги худди шундай қирдан пастга дадил тушаётган икки

## ТОҒДАГИ БОЛАЛАР

отлиққа қўзимиз тушди. Соё буйига тушганимизда бояги отлиқлар мол боқиб юришарди. Ажабланарли томони шундаки, улар 11—13 ёшлардаги болалар экан. Бу довюрак болалардан кимлигини сўраганимизда улардан тикроғи: — Исми Иулдошали, — деб жавоб берди тоғликларга хос уқтамлик билан, — биз асли Газарак қишлоғиданмиз. Хув нарида— қирдан ошсангиз бобомларнинг биттаю-битта уйларини кўрасиз. Чунки бу атрофда бошқа ҳеч ким турмайди-да! Шунинг учун электр чироғи ҳам йўқ. Лекин барибир бу ерда мазза. Ҳар кун тонгда туриб молларни қирларга ҳайдаб кетамиз,

сойда чумиламиз...

— Узимиз қовун-гарвуз ҳам экканмиз, — гапга қўшилади Алижон, — пишганида келсангиз катта-каттасидан узиб берамиз.

— Тоғли жойда отда юриш қурқинчли эмасми? — сўраймиз Алижондан.

— Албатта ҳавфли, лекин Сиз от билан дуст бўлиб, унинг одатларини яхшилаб урга-

ниб олсангиз, тоғда от билан юриш ҳеч гап эмас. Отларни жуда яхши кўраман. Катта булганимда бобомлардек чупон ва зур чавандоз булмоқчиман, — дейди у фахр билан.

Тоғ ҳавоси-да, бир пасда ҳаво айниб, осмонни булут қоплади. Панароқ жой қидираётувдик, Иулдошали укасини бизга қўшиб бобосиникига юборди. Бизни 70 ёшлардаги, бироқ тетик отахон Иулдошалининг бобоси — Бурбой ота Эргашев қарши олдилар.

Баланд қир устида оддийгина бирхона-ю айвонлик уй. Аммо теварак-атрофда шамолда бош чайқаб тебранаётган турли дарахтлар-у турфа гул-

### Таътил қандай ўтаяпти, болалик?

лар. Ҳатто сабзавот кучатларига тартиб билан экиб қуйилган.

Биз бобо билан суҳбатлашиб, гап орасида набиралари таътил кунлари шаҳарга бирор бир оромгоҳга бормай, балки бу ерга келганларини айтганимизда: — Бу ерларнинг нимаси оромгоҳдан кам, — дедилар табассум билан, — Чуқурсойнинг ҳавоси тоза, табиати сулим, табиат кучоғида меҳнат қилишнинг гашти булакча. Инсон ёшлиқдан меҳнатга меҳр қўйса, элда азиз булади. Иккинчидан, ҳа деганда касалга чалинавермайди. Халқимиз бежиз: «Соғ танда соғлом ақл», — демаганку. Мана бу кукка буй чўзиб турган толу теракларни утган йили эккандик. Худо хоҳласа



улардан набираларимга иморат соламиз. Бу йил чорва билан бирга озгина деҳқончилик ҳам қилдик. Албатта, бу ишларни бир узим эмас, мана шу барака топкур набираларим билан бирга қилдик.

Ҳа, бобонинг набираларидан фахрланганича бор. Иулдошали, Алижонга ухшаган жаъсур, меҳнатсевар тенгдошларингиз эса Сурхондарёда анчагина.

**Дилрабо ДАВЛАТОВА,**  
Сурхондарё вилояти.

## ЖАННАТ ЭШИГИ

Бир ҳадисга кўра қиёмат кунини жаннатнинг етти эшигидан бири Чор Бакрда очилармиш.

Бухоройи шарифнинг яқинида жойлашган бир қишлоқ бор. Уни Чаҳор Бакр ёки Чор Бакр дейишади. У ерда не-не сирларни уз бағрига яширган салобатли аини пайтда муқаррам тарихий обидалар ансамбли қад ростлаган. Асли бу қишлоқнинг номи Сумитан бўлиб IX асрдан буён яшаб келмоқда.

«Тухфатул-зоҳирун» китобида қайд этилишича тўрт

улуғ шайх: Абу Бакр Саъд имоми Саид, Абу Бакр Фазл имоми Моҳин, Абу Бакр Ҳа-

### Бухоро— 2500

мид ва Абу Бакр Торхонларнинг қабри мана шу Сумитан қишлоғига қуйилган бўлиб, ушандан сунг бу ер Чаҳор Бакр номини олган. Бу муқаддас зиёратгоҳ узоқ йиллар давомида қаровсиз қолди. Собик иттифоқ давридаги бу совуқ эътиборсизлик натижасида боболаримиздан мерос

булган жуда гузал ансамблнинг катта қисми вайрон этилиб қолган қисми ҳам кўз олдимизда нураб борди. Хайриятки, кўкрагимизга теккан истиклол шабадаси, Чор Бакрга ҳам етиб келди. Аини кунларда бу ансамблни таъмирлаш ишлари давом этаяпти. Насиб булса Бухоройи шарифнинг 2500 йиллик туйиғига бу тарихий обидалар асл ҳолига қайтса ажаб эмас.

Чор Бакрга кириб бориш эшиги олдида ҳамиша бир нуруний отахонни учратасиз.

Бу отахоннинг исмлари Исмоил Хожа бўлиб ёшлари саксондан ошган. Уларнинг суҳбатига булган ҳар бир кишининг қалбида тарих садолари уйғонади.

### Исмоилхўжа ота ҳикояси


Қадимий бир китобда ёзилишича, Бухоройи шарифда зиёратни аввал Чор Бакрдан бошлаб сунгра Баҳоуддин Нақшбанд Жоме масжидида давом эттирсанг, мақсадинга эришиб, зиёратинг қабул бўларкан. Дарҳақиқат мен ақлимни танибманки, бу муқаддас жой ва унда кечган воқеаларнинг гувоҳиман. Ривоят қилишларича, Абу Бакр Саъд имоми Саидни уз устози деб билган ҳазрат Баҳоуддин ҳам мана шу зиёратгоҳ ичидаги чиллахонада 39 кун чиллада утириб, Баҳоуддини балоғардон булганлар. Агар қирқ кун утирганларида қазоғардон бўлишлари мумкин экан.

Чор Бакрга келганингиздан сунг, қабрлар орасидан униб чиққан чилонжийдаларга кўзингиз тушади. Бухоронинг тупроғини биласиз. Шўр, боз устига сув камчил. Шунга қарамай, ҳеч қандай парварнишсиз усган бу жийдалар ҳар йили шигил мева тугади.

Анча йиллар олдин Москвадан 4—5 та аёлу эркак тарихшунослар келиб, катта дарахтга айланган чилонжийдаларнинг олти тупини қулатишиб, унинг остидан қанчадир калла суяқларини териб олишиб, текширабмиз деб узлари билан олиб кетишди.

У пайтларда Чор Бакрнинг зиёрат қилиш у ёқда турсин, унинг яқинига йулаган одам ҳам диндор сифатида жавобгар буларди. Халиги текширувчилар қулатиб кетган жийдаларга бирам ичим ачидий. Қиш утиб баҳор келди. Пайт пойлаб ярим тунда қулаб етган дарахтларни қайта уз жойига утқаздим. Энг қизиги, баҳорнинг урталарига бориб халиги дарахтлар қайта кукарди. Яратганнинг қудратига яна бир бор имон келтирдим. Болаларим, энг кичкина заррадан тортиб, улкан коинотгача сир тула дунё бу. Аммо ягона бир ҳақиқатни инкор этиб булмайди. Сизни юксалтирадиган, сизни камолотга етказадиган эзгулик ва яхшиликка эътиқод қуйинг. Биз ҳозир номларини зикр этган улуғ шайхлар ҳам эътиқод туйфайли ҳақнинг жамолига етишиб, халқнинг ишончини қозонганлар.

**ҲАЛИМА тайёрлади.**



**(Боши ўтган сонларда)**

Бир куни Олатой йўқолиб қолди. Ҳа, энди, баҳор пайти, у ҳам жонли мавжудот, томма-том тентираб юргандир-да, деган ҳаёлга бордик. Орадан икки кун ўтди. Ҳамон дараги йўқ. Яширмайман, оёқ товушимни эшитиши билан пилдираб келишлари, уша еқимли кузлари билан тикилиб, нималардир демоқчи булишлари, суркалишлари, эркаланишлари хумор қила бошлади. Мушук йўқолса ҳам урни билинади, деганлари ҳаққи рост экан.

Уйдагиларнинг айтишига қараганда, кучадан келадиган вақтимга қасрдан бўлса ҳам етиб келаркан. Равонга утириб олиб, мени пойларкан. Ҳар сафар дарвоза овоз чиқариб очилганда хушёр тортиб тикилиб қараркан. Кўни-қўшни бўлса яна бепарвогина турган жойида мудраб утиравераркан. Борди-ю, дарвозадан кирган мен бўлсам, бирдан у жонлини кетаркан. Тура солиб кавишандозда мени кутиб тураркан. Бундай куникма ҳосил қилишга яна бир сабаб бор. пешинда қасрда тамадди қилмай, албатта икки дона жазни қозоғга ураб, чунтагимга солиб қуярдим. Бу — Олатойнинг насибаси. У буни биларди. То уша жазни чунтагимдан чиқариб бермагунимча узи ҳам тинчимасди, менга ҳам тинчлик бермасди. Борди-ю, жаз олиб келиш имкони бўлмади дейлик. Бундай ҳолда Олатойни ноумид қилмаслик мақсадида шундай йул тутардик. Мен ҳовлида уни эркалатиб турган буламан. Шу пайт опоқ ойингиз охинонага кириб, музлатгичдан икки дона жаз олади-секин утиб кетаётган булиб, уни қўлимга қистилади. Мен эса у еқ-бу егимни титкилаган булиб, сунг уни Олатойга бераман. Бундай ҳолга у шу қадар урганиб қолганди-ки, қанда қилмоқликнинг сира иложи йўқ эди. Фақат баъзида опоқ ойингиз, бундан бошқа ишингиз қолмабди узи, деб қуярди.

Мең-ку майли, ҳар ҳолда, опоқ ойингизнинг ибораси билан айтганда, қап-катта кишиман. Невараларимни айтмайсизми? Шунчалар уларнинг саволлари куп эди-ки, асти қуяверасиз, жавоб беришга улгуролмай қоламан.

— Додажон, Олатой нега кетиб қолди? — дейди Жамшидхон.

— Кимдир унинг кунглини ранжитган булиши ҳам мумкин, — у жуда аразчи эди, — жавоб берган буламан.

— Ушани менга қурсатинг, — ешли кузларини катта очиб, менга қатъий тикилди. — Олатойдек яхши мушук борми узи, у ақлли, еқимтой, дастурхонга тегмайди, коса-лаганларни ҳидламайди. Энди қасрдан топамиз, бунақанги мушукни?

У уйланиб қолди. Ким биларди, дейсиз, шу топда балки ҳаёлан Олатой билан сузланаётгандир.

— Агарда қайтиб келса, додажон, фақат узим олиб етаман уни. Ҳеч кимга бермайман, Сардор, Дилшодлар чиқсаям, уларга силатмайман. Ушалар-де тепасида тинмай гапира бериб, бошини қотирворган.

Неварамга тикилиб қарайман, лабларини чуччайтириб олган, баъзан энтикиб қуяди. Астойдил ачинапти у. Ачинадиган юрак берганига шукур.

— Омон булса, албатта келарди, — далда берган буламан уларга.

— Қачон келарди? — сурайди Зафархон.

Бошқа невараларим кунда телефон қилиб, «Олатой топил-

гадан қуришиб турибди, — суҳбатга опоқ ойингиз аралашди. Унинг сузларида жон бор эди...

Бозордамиз... Тумонат одам. Қадам босгани жой йўқ. Бир амаллаб турганиб-сурганиб мушук сотиладиган жойга бордик. Эримасдан бирма-бир қуриб чиқдик. Яширмасдан айтганим — бирортаси ҳам юракни «жиз» эттирмади. На ранги, на кузи Олатойни китага ухшарди.

— Нега булар барчасининг туси совуқ? — сурайман Ортиқбекдан.

— Олатойга кункиб қолгансиз, шу боис сизга шундай туюляпти, — имкони борича юмшатиб гапирди. Аслини олганда мушукка нисбатан уйимиздаги муносабатга унчалик тушуна олмайди у. Баъзан эса ҳайрон қолаётганини яширмасди ҳам.

Хуллас, бозордаги мушукларнинг бирортаси ҳам кунгилга утирмади. Уйга қуруқ қайтдик. Машинадан тушар эканмиз, невараларим чопқиллаб чиқишди.

— Мушук олиб келдингизми? — жовдираб сурашди.

— Ҳаммаси бирам совуқки, ҳеч бири еқмади.

— Олатойга ухшагани топилмадимми?

— Топилмади, қузиқоқларим, афсуски, топилмади.

— Энди нима қиламиз?

— Энди-чи, энди — Олатойни кутамиз, у албатта келарди.

Қаранг, бу гапга фаришталар «омин» деган эканми, яна уч кундан кейин Олатой ҳовлимизга кириб келди. Болалар қувончининг поёни йўқ, катталар ҳам, улар қаторида мен ҳам хурсанд булдим.

— Вой бечора, Олатойим, озиб қолибсан-ку, — бу опоқ ойингизнинг овози эди. Танам яйраб кетди. Шошиб-пишиб ҳовлига чиқдим. Қай куз билан қарайки, Олатой озиб-тузиб кетган, кир-чир эди. Силамоқчи булиб қул қузган эдим, аянчли овоз чиқарди. Ундан бадбўй ҳид келарди. Чамамда багритошлар қалтаклашган, сунг водопроводми еки канализация қудугига

гандир, қийналиб кетгандир, — ачиниб билан гапирарди неварам. У бирдан қувемизга утирилиб суради:

— Қасрларда ухшаётганин Олатой, кечалари совуқ қоғаетган булса-я. Бунақада шамоллаб, касал булиб қолади-ку.

— Совуқ таъсир қилмайди, унинг пустини бор, — Ортиқбек унга таскин берди.

— Кийими йўқ-ку унинг?

— Терисидати жуни унинг пустини ҳисобланади. Узинг ашуланганда айтгансан-ку, жуни майин деб.

— Сиз топиб беринг, Олатойни, — ҳамон буш келмасди Жамшидхон.

— Топамиз, албатта топамиз. Борди-ю топилмас, ана, Миробод бозорида паррандалар, ит, қуён, қаторида мушук ҳам сотишади. Юбориб, танлаб, яхшисидан, чиройлисидан олиб бераман.

— Олатойдан ҳам чиройлиси борми?

— Қидирамиз, топамиз.

Жамшидхоннинг кунгли бироз булса-да, таскин топди шекилли, уридан турди-да, ҳовлига чиқиб кетди. Куп угмай унинг мамнун ҳолдаги овози эшитилди:

Олатойим, Олатой, Омон булгин, эркатой.

— Ҳақиқатан Миробод бозорида мушук сотиб олса буладими? — сурадим Ортиқбекдан.

— Эй, у ер жуда катта бозор. Дунда бор нарсанинг узи йўқ.

Олатойим, Олатой, Омон булгин, эркатой.

— Ҳақиқатан Миробод бозорида мушук сотиб олса буладими? — сурадим Ортиқбекдан.

— Эй, у ер жуда катта бозор. Дунда бор нарсанинг узи йўқ.



Истаган нарсангизни топишингиз мумкин.

— Эртага, дам олиш куни, эрталаб келасизми, бир бориб айланиб келардик. Неварамнинг кунглини тинчитайлик: қуриясиз-ку қанчалар жонсаралик қилаяпти.

— Аввало узингизнинг юрагингиз жизиллаяпти, яширмай қуя қолинг, шундоққина юзингиздан қуришиб турибди, — суҳбатга опоқ ойингиз аралашди. Унинг сузларида жон бор эди...

# ОЛАТОЙ ҲАҚИДА ҚИССА



гандир, қийналиб кетгандир, — ачиниб билан гапирарди неварам. У бирдан қувемизга утирилиб суради:

— Қасрларда ухшаётганин Олатой, кечалари совуқ қоғаетган булса-я. Бунақада шамоллаб, касал булиб қолади-ку.

— Совуқ таъсир қилмайди, унинг пустини бор, — Ортиқбек унга таскин берди.

— Кийими йўқ-ку унинг?

— Терисидати жуни унинг пустини ҳисобланади. Узинг ашуланганда айтгансан-ку, жуни майин деб.

— Сиз топиб беринг, Олатойни, — ҳамон буш келмасди Жамшидхон.

— Топамиз, албатта топамиз. Борди-ю топилмас, ана, Миробод бозорида паррандалар, ит, қуён, қаторида мушук ҳам сотишади. Юбориб, танлаб, яхшисидан, чиройлисидан олиб бераман.

— Олатойдан ҳам чиройлиси борми?

— Қидирамиз, топамиз.

Жамшидхоннинг кунгли бироз булса-да, таскин топди шекилли, уридан турди-да, ҳовлига чиқиб кетди. Куп угмай унинг мамнун ҳолдаги овози эшитилди:

Олатойим, Олатой, Омон булгин, эркатой.

— Ҳақиқатан Миробод бозорида мушук сотиб олса буладими? — сурадим Ортиқбекдан.

— Эй, у ер жуда катта бозор. Дунда бор нарсанинг узи йўқ.

Олатойим, Олатой, Омон булгин, эркатой.

— Ҳақиқатан Миробод бозорида мушук сотиб олса буладими? — сурадим Ортиқбекдан.

— Эй, у ер жуда катта бозор. Дунда бор нарсанинг узи йўқ.

Олатойим, Олатой, Омон булгин, эркатой.

— Ҳақиқатан Миробод бозорида мушук сотиб олса буладими? — сурадим Ортиқбекдан.

— Эй, у ер жуда катта бозор. Дунда бор нарсанинг узи йўқ.

Олатойим, Олатой, Омон булгин, эркатой.

— Ҳақиқатан Миробод бозорида мушук сотиб олса буладими? — сурадим Ортиқбекдан.

— Эй, у ер жуда катта бозор. Дунда бор нарсанинг узи йўқ.

Олатойим, Олатой, Омон булгин, эркатой.

— Ҳақиқатан Миробод бозорида мушук сотиб олса буладими? — сурадим Ортиқбекдан.

— Эй, у ер жуда катта бозор. Дунда бор нарсанинг узи йўқ.

Олатойим, Олатой, Омон булгин, эркатой.

— Ҳақиқатан Миробод бозорида мушук сотиб олса буладими? — сурадим Ортиқбекдан.

— Эй, у ер жуда катта бозор. Дунда бор нарсанинг узи йўқ.

ташлаб юборишган.

— Бир-икки кун унга тегманлар, яхшилаб боқинлар, сал узига келсин, сунгра ювинтира-миз. Ҳозирча на уйга, на равонга киритманлар, ким билади, қандай ерларда етиб юрган экан.

Олатой яна уйимизда. Атрофдагиларнинг меҳри уни тезда узига келтирди. Ҳафсала билан ювинтирдик. У яна уша еқимтой, мулойим, қуркам — узимизнинг Олатойга айланди. Невараларим, кўни-қўшнилари-нинг уғил-қизлари буш вақт топди дегунча, аввалгидек унинг атрофида парвона. Эркалаб айтган сузларининг узи бир дунё. Бирини шакарим деса, иккинчиси эркалойим дейди, учинчиси яна алланамалар деб чуғурлайди. Шу Олатой туфайли дунё қурки, ҳаёт чиройи очилаётгандек булиб қуринаяпти уларга. Қанчалик қувонч-шодликлар улашяпти у.

Ушбу битикларни қозоғга тўширайман. Ана Олатой бошини оёғим панжаларига қуйган ҳолда мулойим ва еқимтой булиб, беозор етибди. Кунгилмга беихтиёр неварамнинг қушиги-даги сатрлар келди:

Олатойим, Олатой, Омон бўлгин, эркатой.

(Тамом)

\*\*\*

«Тонг юлдузи» газетасининг бош муҳаррири Умида АБДУАЗИМОВАга!

Қадрли қизим!

Ушбу битиклар Сизнинг далдангиз ва қистовингиз туфайли юзага келди. Савоб иш қилдингиз, Аллоҳ умрингизга барака, ижодингизга юксак парвозлар ато этсин.

Учқўприклик Маҳбубахоннинг саховати ҳақидаги мақолани ўқигач, мен ҳам ҳа-жонга тушдим. Қаранг, дадалари берган 600 сўм пулни сизларга юбориб, ночор ёки ногирон ижодкор тендошига «Тонг юлдузи» газетасига обуна қилишингизни сўрабди. Яратган эгам бу қизимнинг умрини узоқ қилсин, ҳаётига бахт-файз бахш этсин.

Гапнинг индалосини айтсам, «Олатой ҳақидаги қисса»га бериладиган қалам ҳақини таҳририят ихтиёрида қолдиришингизни сўрайман. Уни ўз хоҳишингиз бўйича, юртимнинг ёш фарзандларини газетангизга обуна қилишга ишлатинг.

Савобли ишингизда Оллоҳдан сизларни қўллаб-қувватлашини сўраб,

Исмоил СУЛАЙМОНОВ,  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

**Таҳририятдан:**

Муаллиф истаги баҳона, ёш мухбирларимизга энг яхши мақола учун танлов эълон қиламиз. Ёз таътили ҳақидаги **ЛУНДА, САРГУЗАШТНАМО, САМИМИЯТ** билан ёзилган мақола муаллифлари «Тонг юлдузи»га бепул обуна буладилар.

<p><b>ТОНГ ЮЛДУЗИ</b></p> <p><b>Муассислар:</b></p> <p><b>ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАТБУОТ КҮМИТАСИ</b></p>	<p><b>Бош муҳаррир Умида АБДУАЗИМОВА</b></p> <p><b>Таҳрир ҳайъати:</b></p> <p>Муртазо СУЛТОНОВ, Жаббор РАЗЗОҚОВ, Гулнора ЙЎЛДОШЕВА, Шермат ЁРМАТОВ, Ҳотам АБДУРАИМОВ, Муқимжон ҚИРҒИЗБОВЕВ, Дадахон ЁҚУБОВ, Исфандиёр ЛАТИПОВ, Юсуф ШОДИМЕТОВ, Феруза ОДИЛОВА.</p>	<p>ИВМ компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Ҳажми 1 босма табоқ. Буларга — Г -0447. 10960 нусхада босилди. Қозғоз бичими — А-3. Босишга топшириш вақти 19.00. Тошчирилди — 18.30. Навбатчи муҳаррир М.Мадраҳимова.</p> <p>Рўйхатдан утин тартиби № 000137. Маъзилмиз: 700083. Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Нашр курсаткичи: № 64563.</p> <p>Телефон: 33-44-25</p>
---	--	--